

ИСЛОМ ВА АФҒОН ЁЗУВИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙИ-ТАРИХИЙ ШАРТЛАРИ

Маннонов М. А.

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Шарқ филологияси ва таржимашунослик факултети

2-курс магистранти Бекмурзаева Севинч, Илмий раҳбар: проф., ф.ф.д.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола, афғон ёзуви ривожланишининг ижтимоий-тарихий шартлари мавзусида бўлиб, бунда ишончли қўлёзма ва манбаалар афғон ёзуви (пушту тилида) тарихи XVI асрнинг биринчи ярмидан бошланганлигини кўрсатади. Бу даврдаги афғон жамиятининг ижтимоий тузилиши ва иқтисодий ҳаёти (аслида, кейинги даврларда ҳам, бугунги кунда ҳам кўп даражада) унинг қабилавий ёки антропологлар тили билан айтганда, сегментар хусусияти билан боғлиқ эди. Кўп сонли пуштун қабилалари ва уруғлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳал қилувчи омили патриархал тамойил бўйича ташкил этилган қон ришталари эди ва шундай бўлиб қолади.

Таянч сўз ва иборалар: афғон ёзуви, пуштун қабилалари, патриархал тамойил.

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет об общественно-исторических условиях развития афганской письменности, где наиболее достоверные данные и имеющиеся рукописные источники свидетельствуют о том, что история афганской письменности (на языке пашто) берет свое начало в первой половине XVI в. Социальная структура и экономическая жизнь афганского общества в эту эпоху (как, впрочем, и в более поздние времена, а в значительной степени и сегодня) были обусловлены его племенным или, выражаясь языком антропологов, сегментарным характером. Определяющим фактором взаимоотношений между многочисленными паштунскими племенами и кланами, организованными по патрилинейному принципу, были и остаются кровнородственные узы.

Ключевые слова и фразы: афганской письменности, пуштунские племена, патрилинейному принцип.

ABSTRACT

This abstract deals with the socio-historical conditions for the development of Afghan writing, where reliable manuscripts and sources indicate that the history of Afghan writing began in the first half of the XVIth century. The social structure and economic life of Afghan society in this era (as, indeed, in later times, and to a large extent today) were due to it is tribal or, in the language of anthropologists, segmental character. The determining factor in the relationship between the numerous Pahtun tribes and clans organized according to the patrilineal principle was and remains blood ties.

Keywords and phrases: Afghan writing, Pahtun tribes, patrilineal principle.

Афғон ёзувининг ривожланиши XVI асрда пуштун қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши тезлашининг бевосита натижаси бўлди. Кенг кўламли миграцияларнинг тўхтатилиши, қабила хўжаликларнинг чегараланиши, ўтроқ ерларнинг янада жадал ва барқарор иқтисодий ривожланиши кўплаб афғон ҳудудлари Мўғуллар империясининг сиёсий таъсир доирасига қўшилиши ҳам, кўп жиҳатдан ушбу жараён билан боғлиқдир. Шунингдек, афғон халқининг ҳақиқий исломлашувга ўтиш жараёни, исломнинг диний тузум, сиёсий-маъмурий мафкура ва жонли маънавий амалиёт сифтида мустақамланиши, муқаррар равишда диний маърифат, таълим ва саводхонлик чекланган бўлса-да, тарқалишига имкон яратди. Бу эса ўз навбатида афғонларнинг ислом маданияти ва адабий анъаналар билан чуқурроқ танишишни тақазо этарди.

XVI-XVII асрларда пушту тилида сўзлашувчиларнинг адабий иш билан шуғулланишга қодир бўлган саводли ва ўқимишлиларининг салмоғи жуда кам эди. Кейинчалик бундай одамлар асосан, иккита ижтимоий гуруҳга, жумладан, диний доиралар ва ҳарбий-маъмурий ҳокимият вакилларига ажралишди. Юқорида тилга олинган пушту тилидаги биринчи китобларнинг муаллифлари ҳам ушбу вакилларга тегишли эди.

Диний уламолар орасида саводхонлик ва маориф кенг тарқалган эди. Қишлоқ муллалари ва охундлар¹ ва ҳаттоки, энг паст даражадаги уламолар ҳам бошланғич маълумотга эга бўлишни, хусусан, Қуръон ўқиш ва одатда муқаддас матнлардан сўзлар ёзилган учбурчак шаклда букланган қоғоз парчалари билан ифодаланган яхши тилаклар, туморлар ҳамда мавъиза ёзишни ҳам ўз зиммаларига олганлар.

Малакали қабила бошлиқлари жуда кам бўлиб, ҳарибий элитанинг таълим даражаси қабилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ эди. Кўриниб турибдики, иерархик² қабилалар янада муваффақиятли ривожланган ҳамда патриархал³ муносабатлар анча қаттиқ ижтимоий табақаланишни келтириб чиқарган ва барча маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий ҳокимият хонлар қўлида тўпланган.

Пуштун ёзувининг биринчи маълум, аммо сақланиб қолмаган ёдгорлиги “Шайх Малининг дафтари” деб аталади. Ушбу асар ва унинг муаллифи ҳақидаги барча маълумотлар одатда мавҳумдир, гарчи улар ишончли манбааларга асосланган бўлса-да, уларнинг энг қадимгиси XVII асрга тўғри келади. Китоб тахминан 1530-йилларда Юсуфзай қабиласида пайдо бўлган ва узоқ вақт давомида яъни XIX асрнинг охиригача, қадимги низом сифатида эъзозланган. Баъзилар, “Дафтар”ни Мали шайхнинг авлодлари европаликларнинг “жоҳил кўзлари”дан яширганлиги ҳақида гапиришади. “Дафтар”нинг китоб ҳолида борлиги ҳақида биринчи бўлиб пуштунларнинг буюк шоири Хушхолхон Хаттак (1613-1689) хабар берган.

Афғон ёзувининг шаклланиш босқичида (тахминан XVII аср ўрталаригача), етакчи рол диний доира вакиллари, маънавият ўқитувчилари, илоҳиётчилар ва воизларга тегишли эди. Келажакда таълим-тарбия вазифалари асосан, ўқимишли қабила зодагонларига ўтказилди. Улардан бири хатак қабиласининг ёлбошчиси Хушхолхоннинг кўп қиррали фаолияти чинакам миллий пушту адабиётининг бошланиши эди. Қабила

¹ Охунд (охун) (арабча-ваъзхон, нотик, дин тарғиботчиси) - мулла, муаллим, устоз.

² Иерархия (юнонча-ҳиерархия, ҳиерос-авлиё ва архе-ҳукумрон, ҳокимият).

³ Патриархал – оила бошидаги сифатида эркаклар чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган давр.

бошлиқларининг адабий фаолиятидан фарқли ўлароқ, уламолар фаолияти диний табиатига кўра, маҳаллий халқ оғзаки ижоди билан ҳеч қандай алоқаси ёқ, дастлаб, китобчилик анъаналарига таянган ва ёзувчиликка салоҳият билан ёналишни ўз ичига олган. Яъни, афғон адабиёти қабилаларда ислом динини расмий илоҳиёт ёки тасаввуф таълимоти тарзида йойган уламоларнинг тарғиботчилик фаолияти муайян тарихий шароитларда ёзма ифодани тақазо этганлиги сабабли ёзма ҳолатга эга бўлди. 30 йилдан ортиқ қабилла бошлиғи лавозимини эгаллаб келган Хушхалхон бевосита хаттак қабиласида, аниқроғи ёзма маданиятнинг ривожланиши учун кўп ишлар қилди. Хушхалдан бошлаб ёзиш, савод ўргатиш, мусулмон илоҳиёти асослари, мумтоз форс адабиёти зодагонлар оиласи аъзолари учун мажбурий бўлиб қолди. Фактлар шуни кўрсатади-ки, Хушхалхон пуштун графикасининг эски шакллари билан бирини биринчи бўлиб қўллаган, кейинчалик ундан хаттак ёзувчиларининг кўп авлодлари фойдаланган. Бу ёзув фақат хаттаклар оиласи орасида тарқатилган ва шунинг учун ҳам “Хаттак” деб аталган.

Хаттаклар адабий ҳаёти ҳақида гап кетганда, унда нафақат эркаклар, балки, эркаклар билан тенг равишда анъанавий таълим олган аёллар ҳам иштирок этганини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Манбаларда тилга олинган исмлар орасида Хушхалхоннинг биринчи рафиқаси Маржонай, қизлари Ҳалима ва Тоғ-биби ҳам бор. Хотин-қизлар адабий ижодининг бир нечта намуналари бизгача етиб келган бўлса-да, бу арзимаган маълумотлар ҳам XVII аср пуштунларнинг маданияти ҳақидаги тушунчамишни кенгайтириш имконини беради.

XVI-XVII асрларда пушту ёзувининг шаклланиши ва ривожланиши бир вақтнинг ўзида қабилла зодагонлари ва руҳонийлар доираларида содир бўлган. Пуштун қабилаларининг исломни оммавий қабул қилиши, тахминан, XI асрдан бошланган, аммо бу исломлаштириш асосан расмий характерга эга эди. Кўриб чиқилаётган даврда, биз қабилаларга ажратиб эмас, балки, бутун афғонлар ҳақида гапирадиган бўлсак, масалан, географик ва сиёсий сабабларга кўра ҳукумронлик остида бўлган Хаттаклар, мусулмон маданиятининг кучлироқ таъсири остида бўлган. Аслида, афғонлар учун ислом уларнинг этник ва кейинчалик сиёсий бирлигининг яна бир омили бўлиб чиқди. Бундай билмли ва маърифатли, шу жумладан эътиқод масалаларида XVII аср пуштунлари, Хушхалхон каби, шунга қарамай унинг диний қарашларида қандайдир чалкашликларни очиб беради. Хушхал ўз шеърларида ўзини юз фоиз сунний ҳанафий деб эълон қилади, лекин айти пайтда унинг кўпгина сатрларида анъанавий равишда сингиб кетган ва турли оқимлар тахмин қилинадиган сўфийлик эстетикаси ва мафқураси ҳақида гапирмаса ҳам яққол шиъага мойиллигини намойиш этади.

XVII асрда афғон тилида таълим ва тарбиявий характердаги бир қанча диний росолалар пайдо бўлганлиги бежиз эмас, улар қулай шаклда мусулмон илоҳиёти, ҳуқуқи ва маросимлари асосларини баён этган ва яқин вақтларгача таълим сифатида ишлатилган. Пушту тилидаги дунёвий адабиёт қабилла йилномаларидан бошлаб, асосан, тарихнавислик ва дидактик жиҳатларда ривожланди, руҳ ва мазмунан миллий лирикада энг ёрқин ифодасини топади. Диний характердаги асарлар дастлаб секта тасаввуф ва анъанавий илоҳиёт ўртасидаги курашни кўрсатади, бу XVII асрнинг ўрталарига келиб ғалаба қозонади, лекин, шу билан бирга пушту тилидаги анъанавий адабиётни мўтадил сўфийликнинг сезиларли таъсиридан озод қилмайди.